

Нефть маҳсулотларини тұғридан-тұғри сотии
ШАРТНОМАСИ № 89

« 14 » 01 2022 йил

Пастдаром т.

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги үрінларда «Маҳсулот сотувчи» деб юритидувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият күрсатуви рахбари А.И.Икрамов бир томондан ва Салың қызынан Мажиб серх кейинги үрінларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи номидан Гасиев С. низом асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани күйидагилар хакида түздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефт маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефт маҳсулотларини кабул килиб олиш ва хақини тұлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришиň ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг микдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари күйидаги спецификация жадвалида көлтирилади.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Үлчөв бирлиги	Нархи	Микдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	O'zDst 3031:2015				
Автобензин Аи-91					
Үчоқ ёкилгиси					
Диз.ёнилгиси					
Диз.ёнилгиси ЭКО	O'zDst 1134:2007		10000	3000	30000000

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Маҳсулот берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг таҳминий умумий суммаси КҶС билан 30000000 сүмни шундан 15% КҶС суммаси 3913043 ташкил-килади.

2.2. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 май куни үтказилган №27-сонли йигилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомаишёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Узбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмат” АЖ, майший чинкиндиларни тўплаш ва олиб чиқиши бўйича давлат корхоналарига дизел ёкилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёкилгиси) үтган ҳафтадаги биржга савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржга нархларida шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржга савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб көлтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади.

2.4. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум килади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичидаги амалга оширади. Акс ҳолда «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни кўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Маҳсулот сотувчи»нинг банкдаги хисоб ракамига пул үтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Маҳсулот сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида унга берилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда гина берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хошигига караб (истеъмолчидаги маҳсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Маҳсулот сотувчи»нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартиб ва келишилган кўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя килиши бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиб харажатлари келишилган калькуляция асосида қайта кўриб чиқилади.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобиль цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг кўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Маҳсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари кўйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиши ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Маҳсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида көлтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичидаги етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Маҳсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари микдор бўйича қабул килиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини мидор жихатдан қабул кўлиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ

истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул килиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-7-сонли йуриномалар хамда бошка меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли хужжатлар «Маҳсулот сотувчи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг худудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён этиш хавфи «Маҳсулот сотувчи» омбори ёки АЕҚШ худудидан чиккан вактдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини беришни кафолатлади. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши хамда бу нефт маҳсулотларини маҳсус автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб килиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотларини ўз вактида бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун нефт маҳсулотлари сўммасининг 0,1 фоизи, лекин шартнома сўммасининг 10 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлади.

6.3. Етказиб берилган “Нефть маҳсулотлари” учун ўз вактида ҳақ тўланмагандан Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлади, бирорук бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Маҳсулот сотувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлади ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлик қийматини ундириш хукуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул килишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёrlари тўлик амал килинишига тўлик жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» берилган нефт маҳсулотларини саклашнинг техниковий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибида жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор холатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибида иктисидий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.


8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва teng хукукий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равиша Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Маҳсулот сотувчи»

«Мароканднефтбазаси» МЧЖ
Пастдаргомтумани ,Арабхонакишиллоги
х/р 2260400000440931701
МФО 00432 «Узсаноатқурилишбанк» АТБ
Яшнободфилиали ИНН 202041686

 А.И.Икрамов

“Истеъмолчи”


“1аш быш 11.07.2022
СТИР 201828998
х/р № 10000180564010052064001
АТБ “Уснур осми”
фли:

МФО 2022 ОКЕД 67600
Тел. + _____

Хукуқшуноснинг хулосаси: Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари хамда 437-456-моддалари хамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради

Хукуқшунос

ИИНМС булими